



Иқтисодиёт ривожини аҳолининг фаровон турмушида ўз аксини топади. Банк фаолияти эса рақамларда ифодаланади. Бугун "Hamkorbank" АТБ халқимиз ҳаётида ўз ўрни ва нуфузига эга молия муассасаси ҳисобланади. Кўрсаткичларининг юқорилиги ва ривожланиши асосида ушбу тизим ходимларининг сидқидилдан қилган меҳнатлари ётади.

САМАРАЛИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ муваффақиятлар омили

Ҳар қандай бизнесни муайян таваккалчиликлар ва хавф-хатарларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. "Hamkorbank" АТБ бизнесда вужудга келадиган бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш ва таваккалчиликларни камайтиришга имкон берувчи самарали назорат тизимига эга десак, муболаға бўлмайди. Шунингдек, амалдаги қонунларга риоя қилиш ва истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларни ҳис қилиш қадрият даражасига кўтарилган. Зеро Банк Бошқаруви раиси Бахтиёржон Жўраев таъкидлаганларидек, самарали ички назорат тизими рақобатбардошлик омилларидан биридир.

Бизда назорат вазифаларига масъул ходимлар фаолиятини мунтазам такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилади. Бош банк томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир назорат бўғинлари фаолиятининг 2021 йил якунлари ва 2022 йилга белгиланган устувор вазифаларга бағишланди. Барча филиалларнинг бош ҳисобчилари, ички назорат мутахассислари ҳамда молиявий мониторинг бошқармаси ходимлари иштирокидаги ушбу тадбирда тизимдаги масалалар таҳлил қилинди. Операцион фаолият давомида назорат бўғинларининг

ўрни ва вазифалари тушунтириб ўтилди.

Жумладан, бухгалтерия назоратини замонавий банк технологиялари ва бошқарув услублари асосида ташкил қилиш, комплаенс назорат тизимини такомиллаштириш, банк операциялари назоратини самарали ташкил этиш масалалари муҳокама этилди. Ички аудит хизмати томонидан ўтган йилда филиалларда аниқланган камчиликлар ва уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил қилинди.

Мазкур тадбирнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, унда иштирокчиларга ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкони берилди, амалий машғулотлар ташкил этилди. Йўналишлар бўйича ўқув-семинарлари уюштирилиб, ўзаро тажриба алмашиш машғулоти ўтказилди. Гуруҳларга бўлиниб ишлаш: жамоавий муҳокама, келгуси режалар, таклифлар тақдимотида иштирокчилар фаоллик кўрсатдилар. Йилнинг "Энг яхши бош бухгалтер", "Энг яхши ички назорат ходими", "Энг яхши молиявий мониторинг мутахассиси" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Ҳусанбой ЮЛДАШЕВ,
"Hamkorbank" АТБ молиявий мониторинг бошқармаси бошлиғи.

КУН ҲИКМАТИ:

Киши ўзига қанчалик кам талаб қилиб, одамларга шунчалик кўпроқ фойда етказса, унинг яхшилиги шу қадар улғғидир; бошқаларга қанчалик кам фойда етказатурса, ўзига кўпни талаб қилса, ёмонлиги ҳам шу қадар ортиқдир.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.



"ЯШИЛ МАКОН"

умуммиллий лойиҳасида
сиз ҳам қатнашинг!

► 2

Иқтисодиёт кўзгусида

Охирги 20 йилда дунё бўйича табиий ҳалокатлар сабаб 1,2 миллион одам ҳалок бўлган, иқтисодиётга 3 миллиард доллар зарар етган.



8 ТРИЛЛИОН ДОЛЛАР ЙЎҚОТИЛИШИ МУМКИН

Жаҳон метеорология ташкилотининг билдиришича, охирги 20 йилда табиий офатлар интенсивлиги дунё миқёсида 5 баробарга ошган. 1971 йилдан то ҳозиргача 11 мингдан ортиқ иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ йирик табиат ҳалокатлари содир бўлган. Кейинги 30 йилга қилинаётган башоратларга қараганда, дунё иқтисодиёти иқлим ўзгариши натижасида 8 триллион доллар маблағ йўқотилиши ёки ЯИМ 3 фоизгача пасайиши мумкин.

Иқлим ўзгаришларининг Ўзбекистондаги салбий таъсири миқёси қандай бўлади? Бу хусусда "Ўзгидромет" бош директор ўринбосари Ибратжон Каримов қуйидагиларни билдириб ўтди:

— Орол денгизининг ҳалокатли қуришидан кейин Орол ҳудудидаги 5 млн. 300 минг гектар майдонда Оролқум пайдо бўлди. Натижада атмосферага ҳар йили 100 млн. тонна тузли чанглар кўтариляпти. Улар Антарктидадан ҳам, космосдан ҳам топилмоқда. Бундан ташқари, дунёдаги исш жараёнлари Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудлари бўлимиш Қорақалпоғистон ва Хоразмда ҳам исшшни 2 баробар тезлаштирган.

ФАРЗАНДИНГИЗ ХУСУСИЙ БОҒЧА ЁКИ МАКТАБДА ЎҚИСА...

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Президент Фармонида 2026 йил якунига қадар мактаблар сифимини 6,4 миллионгача етказиш режалаштирилган.

Шунингдек, 2022 йил 1 апрелдан нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 млн. сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилиши белгиланмоқда.



БОБУР ҚЎРҒОНИ – РИВОЯТМИ ЁКИ ҲАҚИҚАТ...

► 3

АСАМ УСТОЗ

► 4

МУЗ ИЧИДАГИ ХАЗИНА

► 6

Тавсия

Павлония республикасида ҳали оммалашмаган дарахт тури бўлиб катта даромад манбаидир. Ундан теракка нисбатан бир неча маротаба кўп даромад олиш мумкин.



2021 йилнинг баҳорида "Шан-тонг" навидан унган ниҳолларни ерга қадаган эдик. Бир йилда беш марта чопиқ қилдик, беш марта турли касалликларга қарши дорилардик. Ҳафтада бирикки мартадан суғориб турилди. Парвариш яхши бўлгани боис олди кўчат 8 метргача бўй чўзди. Тасаввур қилипсизми? Кичкинагина қутичада ундирилган атиги тўрт энлик нозик ниҳол 8 ойда 8 метрга етди. Унинг афзаллик жиҳатлари жуда кўп. Биринчидан, тез ўсади, иккинчидан, жуда бақувват. Ёғочининг зичлиги боис кемасозликда, мусиқа асбоблари ясада, уйсозликда, мебелсозликда кенг фойдаланилади. Шахсан ўзим уч йиллик дарахтни кесиб кўрдим, уйсозликда бемалол фойдаланса бўладиган маҳсулот тайёрладим. Мабелсозлардан харидорлар келиб турибди. Ҳар бир тупига 100 доллардан харидор бор, лекин бу нархга сотганимиз йўқ.

Павлония етти йилда ҳақиқий балоғатга етади ва кесишга тавсия этилади. Бу давр мобайнида бўйи 25, эни 4 метрни эгаллайди. Шу боис ҳар йили кўчатлар ўрнини бўшатиб, 4x4 метр ўлчам ҳолатига келтириш лозим. Асосий меҳнат биринчи йили талаб этилади. Иккинчи йилдан суғориб турилади, холос. Демак, иккинчи йилдан бошлаб кўчатларни сотиш эвазига соф даромад олиш мумкин. Япроқлари катта бўлгани билан остида полиз маҳсулотларини парваришлагга ҳалал бермайди. Хулоса қилиш мумкинки, унинг остида ҳам қўшимча даромад топса бўлади. Қолаверса, гули ниҳоятда хушбўй бўлгани боис асаларичиликда кенг фойдаланиш мумкин. Япроғини салқинда сўлитиш орқали чорва озукасига айлантиса бўлади.

Кўпчиликка айтсангиз, павлония дарахтини реклама қиляпти, деб ўйлайди. Ваҳоланки, уни реклама қилишга ҳожат йўқ. Ҳатто бир йиллик кўчатларимизга харидорлар шу қадар кўпки, етти йиллик дарахтга айлантира олишимга ақлим етмай қолди, тўғриси. Мақсадим — ягона! Ҳамюртларимиз даромад топишни ўргансин.

Муроджон ҚУРБОНОВ,
Андижон.



ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон энергетика вазирлиги Ўзбекистон энергия ресурслари ва табиий газ бозори қандай қилиб хусусий қўлларга берилиши ҳақида маълум қилди.


2022 йилга мўлжалланган Давлат дастури доирасида Ўзбекистонда энергетика ва табиий газ бозорлари ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгиланган ҳолда эркинлаштирилади.

Апрель ойига қадар энергетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, барча иштирокчилар учун тенг имкониятлар яратиш ва нархларнинг шаффоф механизмларини жорий этишга қаратилган Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

ЯНГИ ПОЕЗД ЙЎНАЛИШИ: АНДИЖОН – ҚЎНҒИРОТ

Йўловчиларни мамлакатимизнинг саккизта вилоятига етказа оладиган янги шаҳарлараро поезд қатнови йўлга қўйилди: "Қўнғирот – Наманган – Андижон – Қўнғирот".

Поезд қарийб тўрт минг километр масофани босиб ўтди ва у ўзининг илк парвозини амалга оширди. Ушбу йўналиш Хўжайли, Нукус, Учқудуқ, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Гулистон, Тошкент, Наманган шаҳарларини ўз ичига олади.



НОГИРОНЛАР УЧУН CALL-МАРКАЗ

Март ойидан бошлаб Ўзбекистонда имконияти чекланган фуқаролар учун мурожаатлар, талаб ва таклифлар билан туну-кун ишлайдиган ягона Call-марказ ва қайта қўнғироқ қилиш тизими ишга тушади.

Марказда ишлаш учун 18 нафар оператор, сурдо-таржимон ва эксперт шифокорлар тайёрланмоқда.

2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, республика бўйича 16 ёшдан ошган ногиронларнинг умумий сони 670,7 минг нафарни ташкил этди.

СЕНЕГАЛ ИЛК БОР ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ



Сенегал терма жамоаси финалда Миср терма жамоасини пеналтилар сериясида 4:2 ҳисобида мағлуб этиб, тарихда илк бор Африка кубогини қўлга киритди.

Бунгача Сенегал термаси икки марта — 2002 ва 2019 йилларда турнир финалига чиқиб, мағлубиятга учраган эди.

Мисрликлар эса қитъа чемпионида ғалабалар бўйича рекордчи. Уларда 7 та унвон бор. Аммо бу сафар Мухаммад Салоҳ ва унинг жамоадoshларидан омад юз ўғирди.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ "ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН"НИНГ АСОСИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ НОМЛАДИ

Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев Ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида халққа таклиф этилган "Янги Қозоғистон" сиёсатининг устувор йўналишларини айтиб ўтди.

— "Янги Қозоғистон"ни яратиш учун адолатли ва аниқ давлат сиёсатини юритиш зарур. Бу сиёсат виждонсиз мансабдор шахсларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларининг олдини олади. Рақобат ва технологияга асосланган иқтисодиётни қуради. Шу билан бирга, қонун устуворлиги орқали хусусий мулк, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари дахлсизлигини кафолатлайди, — деди Президент.

Шунингдек, Қ. Тоқаев ҳар бир фуқародан "Янги Қозоғистон"ни яратишда иштирок этишни сўради.



ОЧ ҚОЛГАН АФҒОНЛАР БОЛАСИНИ СОТМОҚДА

Афғонистоннинг шимоли-ғарбида қашшоқлик туфайли ота-оналар вояга етмаган болаларини сотмоқда. Яқинда рўй берган зилзила оқибатида маҳаллий аҳолининг яшаш шароити янада оғирлашди.

Шу боис оилалар ёш қизлари устидан келажакда турмушга бериш шарти билан маҳр пули олади. Яъни фарзандини пуллайди.

Ҳозирда миллионлаб афғонлар тўйиб овқатланмайди, аҳолининг 90 фоизи инсонпарварлик ёрдамига муҳтож бўлмоқда.

АВТОМОБИЛДА САЁҲАТ ҚИЛИШ УЧУН ЭНГ ЯХШИ МАМЛАКАТЛАР

Рейтингнинг иккинчи ўринидан 6,38 балл билан Италия жой эгаллади. Бу мамлакат маданият ва ошхона қадрлайдиган саёҳатчилар учун мос келади. Италияда йўл сифати ва хавфсизлиги, шунингдек, автомобиль ижараси нархи пастлиги туфайли юқори баллга лойиқ топилган.

Кучли учликдан Испания жой олди (6,34 балл). Саёҳатчилар ушбу мамлакатда ажойиб пляжлар, Барселона ва Мадрид каби тарихий шаҳарлардан



баҳраманд бўлишлари мумкин. Автомобиль ижарасининг арзонлиги (кунлик 27 доллар) ва йўл ҳаракати хавфсизлигининг юқори кўрсаткичлари ҳисобга олинган.

Рейтингнинг кучли ўнлигидан Португалия, Словения, Буюк Британия, Швейцария, Франция, Туркия ва Дания ҳам рейтингдан жой олди.




ҲИНД АФСОНАСИ "COVID" ҚУРБОНИ БЎЛДИ

Ҳиндистон афсонаси қўшиқчи ва актриса Лата Мангешкар 93 ёшида "Covid" касаллиги туфайли дунёдан кўз юмди.

У Болливуднинг мингдан ортиқ фильмлари учун 36 тилда қўшиқ ижро этган. Гиннеснинг рекордлар китобига "Энг кўп қўшиқ ёзган" хонанда сифатида киритилган. Унинг турли жанрларда куйлаган ижод маҳсули 30 мингдан ортиқ аудио ёзувларга муҳрланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур миллатимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Бобур билан боғлиқ жойлар, ривоятлар халқимиз орасида тилдан тилга кўчиб юради. Қуйидаги мақола ҳам ана шулардан бири.



БОБУР ҚЎРҒОНИ — РИВОЯТ ЁКИ ҲАҚИҚАТ...

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги "Оқработ" қишлоғи Ҳисор тоғ тизмаларининг этагида "М-39 – Тошкент-Термиз автомобиль йўли" ёқасида, Сурхондарё вилояти билан чегара ҳудудда жойлашган. Қадимий "Буюк ипак йўли" ҳам шу қишлоқ ҳудуддан ўтганлиги ҳақида маълумотлар бор.

"Оқработ" қишлоғининг энг юқори қисми "Дара" деб аталади. Унинг бошида арчазорлар орасида тошдан қурилган қўрғон бўлиб,

халқ орасида "Бобур қўрғони" деб юритилади. Мазкур қўрғон ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда учрамаса ҳам ота-боболаримиздан, яъни авлоддан авлодга ўтиб келаётган оғзаки маълумотлар, ривоятлар орқали кўпчиликка таниш ҳисобланади.

Қишлоқ кексаларидан Ҳайит бобо Раҳмон ўғлининг (96 йил умр кўриб, 1992 йил вафот этган) ҳикоя қилишича, Бобур Шайбонийхондан енгилгач, "Каттапой"га келиб

макон тутади (Каттапой – Даранинг тепа қисми) ва деҳқончилик қилади, ғалла экади. "Бобур каттапойда минг қўш юритган", деган ривоятлар ҳам бор.

Бобур рақиби Шайбонийхон тўсатдан ҳужум қилишидан хавотирда яшаган ва йўлни кузатиб туришга одамларини қўйган. Айғоқчилари ёрдамида Бобурнинг "Каттапой"да истиқомат қилаётганлигидан воқиф бўлган Шайбонийхон кучли ҳийла ишлатади. Яъни, юзлаб аскарлари билан бирга минглаб от ва эшакларга шох-шабба судратиб, чанг-тўзон кўтариб, Бобурга қарши "уруш" бошлайди. Нигоҳбонлар узоқдан қиёмат кўпиб, катта лашкар келаётганлигининг хабарини Бобурга етказадилар.

Бу хабардан сўнг у жангсиз чекинишни маъқул топиб, Хуросонга ўтиб кетган экан.

Бобурнинг ҳозирги Афғонистон ҳудудига ўтиб кетиши милодий 1503

йилларга тўғри келади. Афсуски, "Бобурнома"да ўн йилдан ортиқ давр воқеалари ёзилмаган. Бобур қўрғони билан боғлиқ воқеалар ҳам ана шу даврга тўғри келса ажабмас.

1984-1985 йилларда деҳқон-ободлик машҳур Қодир бахши Раҳимов Бобурнинг Оқработда яшган даври ҳақида "Ойчинор" номли дoston битган.

Қишлоқ кексалари гурунгида "Шайбоний келди — Бобур қочди" ибораси ҳозиргача қўлланилади. Бу ибора кўпинча даврага бирор киши келиб қўшилганда бошқаси даврани тарк этса айтилади.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
Қашқадарё.

МУҲИМ МАВЗУ

Қишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири грип касаллигининг кенг тарқалишидир. Бу эпидемия ҳаво томчи йўли орқали юқиш хусусиятига эга бўлганлиги учун иммун тизими кучли айрим кишиларнигина четлаб ўтиши мумкин. Айни кунларда грип хасталиги билан бир вақтда аҳоли ўртасида "Covid" инфекцияси ҳам кўп кузатилмоқда. Шу мавзу юзасидан Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали шошилинич терапия бўлими врач-терапевти Гулбаҳор СОИПОВА билан суҳбатлашдик.

— Гулбаҳор опа, биланми, грип вирусини ҳар йили ҳар хил штамплар билан кечади. Бу йил қандай белгилар орқали кузатилди?

— Бу мавсумдаги грип касаллиги кўпроқ юқори нафас йўллари яллиғланиши, яъни бурун битиши, томоқда оғриқ, йўтал, тана ҳароратининг кўтарилиши, аксиратиш каби белгилар билан кечмоқда.

— Гриппга оддий қараб, уни бепарво ўтказиб юборамиз. Бу тўғрими? Ундан қандай ҳимояланишимиз керак?

— Грипп ўзидан турли асоратлар қолдириши билан хавфли. Масалан, пневмония, гайморит, ангина каби юқори нафас йўллари билан касалликларига сабаб бўлиши мумкин. Ҳимояланиш учун вакцина олиш, иммунитетни кўтариш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш жуда муҳим. Оилада бир киши гриппга чалинса, дарҳол уни яқкалаб, касалликдан оиланинг бошқа аъзоларини ҳимоя қилиш зарур.

— Сир эмас, айти пайтда "Covid" ҳам грип

хасталигига ўхшаш белгилар билан кечмоқда.

— Тўғри, "Covid"нинг бу йилги симптомлари гриппга ўхшайди. Масалан, томоқ оғриғи, йўтал, юқори ҳарорат. Аммо гриппда "Covid"даги каби ҳолсизлик, иштаҳасизлик, ўпканинг яллиғланиши кузатилмайди. Коронавирус инфекциясида эса юқоридаги ҳолатлар билан бирга қўрқув, ваҳима ҳам юзага келади. Бемор ҳолсизликдан ётиб

йўлларида қонга ўтиши мумкин. Аниқ ташхис эса қон таҳлилидан сўнг қўйилади.

— Ҳануз бу касаллик аҳоли учун хавфли бўлиб қолмоқдами?

— Ҳа, албатта. Мутациялашиш жараёнида касалликнинг хавфлили даражаси анча пасайиб, ўлим ҳолатлари камайди. Ўтган йилги "Covid" ҳид



юқори бўлгани учун касаллик тез ва енгил ўтиб кетади.

— Грипп ва "Covid" муолажасини ўқувчиларимизга яна бир бор эслатиб ўтсангиз.

— Гриппни симптомларига қараб даволаш мумкин. Томоқда ёки бурунда кечишига қараб. "Covid" учун эса махсус миллий протокол ишлаб чиқилган. Мана шу протокол асосида мутахассис шифокорлар даволаш ишларини олиб боради. Биз "Covid"нинг манфий ташхиси билан келган, аммо турли асоратларга чалинган беморларга тезкор зарурий даво чораларини қўллашимиз. 2-3 кунда беморларнинг ҳолати яхшиланиб, режали шифоналарга жўнатилади.

Н. ТЎХТАМАТОВА
суҳбатлашди.

ГРИПП ВА "COVID": УЛАРНИНГ ФАРҚИ НИМАДА?



қолиши мумкин.

— Грипп билан "Covid"нинг фарқи қандай усул билан аниқланипти?

— ПЦР ва қон таҳлили ёрдамида. Беморнинг юқори нафас йўлларида суртма олиш, яъни ПЦР текшируви орқали вирус аниқланади. Агар бу йўл билан аниқланмаса, қон таҳлили ўтказилади. Сабаби, коронавирус маълум муддатдан сўнг юқори нафас

ва таъм билиш сезгиларининг йўқолиши, юқори ҳарорат билан кечган. Бу йилги коронавирусда бундай аломатларни учратмаймиз. Аммо, барибир, у қўшимча касаллиги бор беморлар ва ёши катта инсонлар учун хавфли ҳисобланади. Қандли диабет ва юрак-қон томир хасталигида иммун тизими кучсиз бўлгани учун вирус дарҳол ўпкага ҳужум қилиб, уни жароҳатлайди. Натижада

ўпка етишмовчилиги юзага келади. Шу боис қўшимча касаллиги бор беморда "Covid" белгилари кузатилдими, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

— "Covid"нинг ёш болаларда ҳам кузатилаётгани ростми?

— Коронавирус касаллиги ёш болаларда ҳам учрамоқда, лекин жуда кам. Кузатувларга қараганда, болаларда бу касаллик кўпроқ ич кетиши, тана ҳароратининг кўтарилиши билан намоён бўлмоқда. Аммо гўдақларда иммунитет

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ҳақида қанча гапирсанг оз. Тўғри, касби ва лавозимидан келиб чиқиб юқори натижаларга эришганлар кўп. Кўксини қатор медалу орденлар безаганлар ҳам талайгина. Аммо устозлик ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Самарқандлик Асам Умиров ана шундай мартабага эришган инсонлардан. Бир қарашда ҳамма банк ходимларига ўхшаса-да, ўзига хос ибрат олишга арзигулик қирралари бор. Муомала маданияти, атрофдагиларга доим яхшилик улашиш унинг яшаш қоидаси. Ўзгаларга нафинг тегмадими, зараринг ҳам тегмасин, дейди доим ёшларга.

“Hamkorbank” АТБнинг Самарқанд филиалига кирган мижоз борки, Асам ака ҳақида яхши фикрда. Негаки қандай масалада банка кирманг, у сизга ёрдам қўлини чўзади, маслаҳатини аямайди. Шундан бўлса керак, мижозлар ҳам бир муаммога дуч келса, унга юзланади. Йирик корхоналар янги бир лойиҳа устида иш бошлашда молиявий масалада унинг фикрларини инobatга оладилар.

Асам Умировни банк тизимида иш бошлаганига 30 йилдан ошди. Аввалига “Агросаноатбанк”да, кейин “Тадбиркорбанк” ва “Савдогарбанк”да фаолият юритди. Қандай вазифада ишламасин, ўз касбини пух-

та эгаллаш ҳаракатида бўлди. Ўқиш, изланиш борасида устозларининг ортидан бор-

ди.

2008 йили “Hamkorbank” АТБга ишга таклиф қилинганда, у сира иккиланмай рози бўлди. Сабаби, бошқа банкларга қараганда “Hamkorbank”даги тартиб, ходимларга бўлган эътибор ва меҳнатнинг қадрланиши ҳақида кўп эшитганди. Самарқанд филиали жамоаси сафига жуда тез қўшилди.



Асам устоз

соҳа фидойиси сифатида шакллантирди.

— Ёшлар “устоз” дея муро-

жаат қилганида масъулият юкини сезаман, — дейди суҳбатдошимиз. — Ахир иш ўргатишни, йўл кўрсатишни ўзи бўлмайди. Нотўғри маслаҳат билан бир инсонни йўлдан адаштириш, ҳаётини издан чиқариб юбориш мумкин. Хато қилиш осон, аммо уни тузатиш қийин.

Устознинг гапларида жон бор. Эндигина иш бошлаган ходимларга соҳа сирларини

Бек офис бошлиғи сифатида ўз тажрибаларига суяниб иш бошлади.

Асам ака банкдаги фаолиятининг ҳар бир кунини ҳамкасблари ва мижозлар ҳурматини қозониш учун синов сифатида қадрлади. Зиммасига юклатилган вазифага эътибор билан қаради, масъулият ва талабчанликни унутмади. Бу ўз-ўзидан уни

ўргатишдан аввал дўст тути-нади, камчилиги бўлса бир-галикда тузатади. Айниқса, мижозлар билан муомала қилишда ҳамкасбларини доим хушёр бўлишга чақиради.

— Асам ака билан кўп йиллардан буён бирга ишлаймиз, — дейди филиал ҳисобчиси Воҳиджон Эргашев. — Барчамиз унга суянамиз. Доим тўғри йўл кўрсатадилар. Исмими ҳам баъзида унутиб қўямиз. Чунки “устоз” дейишга одатланиб қолганмизда. Янги иш бошлаганда ҳамма ҳам қийинчиликларга дуч келади. Шундай кезларда Устоз ёшларни қўллаб-қувватлайди.

Мижозлар билан ишлаётган Асам Умировни кузатамиз. У ўз соҳасининг билим-донни экани кўриниб турибди. Нимадандир кўнгли тўлмаган мижоз унинг кўрсатмаларини тўғри қабул қилди, иши битганидан хурсанд. Навбатдаги мижоз ҳам ишонч билан унинг ёнига борди...

Ҳа, Устоз деганларича бор. Бундай мартабага фақат меҳнатнинг ортидан эришиш мумкин.

Акбаржон НАЗАРОВ.



Ангренда 7 та тижорат банки мавжуд бўлиб, “Hamkorbank” АТБнинг Ангрен филиали хизмат кўрсатиш сифати юқорилиги билан ажралиб туради. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин-ки, мижозлари бошқа молия муассасаларига нисбатан анчайин кўп. Жамоада тартиб-интизом, муомала маданияти биринчи навбатга қўйилган.

Айни кунда 35 нафар ходим бўлиб, уларнинг барчаси ана шу талабларга амал қилади. 455 нафар юридик, 275 нафар яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамкорлиги мавжуд. Филиаллар орасида ҳам кўрсаткичлари юқори. 2021 йилни ҳам белгиланган 7 миллиардлик режа кўрсаткичидан ошириб 7,4 миллиард, яъни 105 фоизга бажариб намуна кўрсатди.

ЭНГ ЯХШИ БОШ БУХГАЛТЕР

Фазлиддин Эшмуратов 2019 йилдан буён мазкур филиалда фаолият юритади. Абдурашид Байматов, Шухрат Юнусов, Шоира Нигматовалар қаторида халқимизга хизмат қилаётганидан мамнун.

— Муваффақиятлар масъулиятни кучайтиради ва инсоннинг ўзига нисбатан талабчанлигини оширади, — дейди Фазлиддин.

— Демак, қалбингизда касбингизга бўлган иштиёқ янада ортди...

— Албатта. Кундан-кунга банкларга бўлган талаблар ортапти. Мижозларга ҳурмат ва сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг ишончини йўқотмаслик учун замон билан ҳамнафас яшаш даркор.

Камтарин, камсуқум, аммо ўз ишининг устаси бўлган Фазлиддинни қарашлари ҳам ўзгача. Устозлик даражасига етмоқда.

— Тажрибамдан келиб чиқиб ёшларга устозлик қиламан. Бироқ ўзим ҳам улардан янгиликларни ўрганаман, — дейди у.

Изланиш, ўқиб-ўрганиш замирида муваффақиятлар ётади. Меҳнаткаш инсонлар эса, албатта, зафар кучади. Фазлиддин ҳам ана шу ақидага амал қилади. Шу сабаб Бош банк томонидан ўтказилган танловда “Энг яхши бош бухгалтер” номинацияси ғолиби бўлди.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

“БИЗ УЛАРНИНГ ЭМАС, УЛАР БИЗНИНГ ОЛДИМИЗГА КЕЛГАН”

“Hamkorbank” АТБнинг Тошкент филиалига 2021 йилдан мижоз бўлдик. Ҳамкорлигимизга сабаб бўлган воқеани жуда яхши эслайман. Ўша кун клиникамизга филиал бошқарувчи ўринбосари Бахтиёр Аҳмадалиев ва корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи Бобоназар Тангриев кириб келди. Ўшанда эътиборимизни тортган асосий жиҳат нима бўлди, биласизми? Шу пайтгача бизга бирон нима керак бўлса, ҳамкорлик қилаётган банкимизнинг қайсидир жиҳати ёқмаса, ўзимиз бошқа банкларга бориб, хизматлари билан танишиб, маъқул томонларини сўраб-суриштирдик. “Hamkorbank”нинг ходимлари эса ўзи келиб, хизматларини таклиф қилар экан. Бу банкнинг фоизлари ҳам жуда маъқул бўлди. Мижозлар билан ишлаш усули мақтовга сазовор.



Биз бирга ишлашга қарор қилдик. Ҳатто бир-иккита масала юзасидан Андижондаги бош офисига таваккал қилиб бордим. Департамент раҳбарлари мени эшитиб, вазиятни ўрганиш учун пойтахтга вакилларини юборди. Шу тариқа банк билан алоқа ўрнатилди: аввал ҳисоб-рақамимизни ўтказдик, кейин кредит олдик.

Фаолиятимиз тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилган. Асосан стационар ва поликлиника шароитида кардиология, эндокринология, лор ва терапия йўналиши бўйича тиббий хизмат кўрсатамиз. Кези келганда “Covid” касаллигини ҳам даволадик. Айни вақтда



БАНК ВА МИЖОЗ

фаолиятимизни кенгайтириш ҳаракатидамиз. Зарур тиббий ускуналар учун четга буюртма ҳам бериб қўйдик. Мақсад — янги бўлимлар ташкил қилиш орқали сифатли тиббий хизматни таъминлаш ва ривожлантириш.

Омадимиз чопиб, 2018 йилда Учтепа кичик саноат зонасидан тендер орқали жой ютиб олган эдик. Ташландиқ бўлган бу ҳудудда 100 та иш ўрнига эга бўлган ишлаб чиқариш корхонаси барпо қилдик. Корхонада пластмасса идишлар, полиэтилен маҳсулотлари: плёнка ва пакетлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Албатта, бундай натижаларнинг ортида тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари ётибди. Таъсисчиларимиз саховатпеша инсонлар. Фақат пулнинг ортидан қувламайди. Энг аввал қўл остида ишлаётганларга яхши шароит яратиб беришга ҳаракат қилади.

Насиб қилса фаолиятимиз янада кенгайиб, кўплаб юртдошларимиз янги иш ўрнига эга бўлади. “Hamkorbank” билан катта ютуқларга биргаликда эришамиз.

Эльнора ЗАКИРОВА,
Чилонзор туманидаги
“NBF MED” МЧЖ раҳбари.

Бухоро шаҳрида тепалик устида қад ростлаган иккита тарихий ёдгорлик бор. Бири Арк қалъаси, иккинчиси амирнинг зиндони. XVIII асрда бунёд этилган зиндондан манғитлар сулоласининг сўнгги вакили Амир Олимхон даврига қадар фойдаланилган. Айти пайтда бу ерда Бухорода ҳуқуқ ва қонунчилик тарихи музейи жойлашган.



Манбаларда ёзилишича, 1911 йилда зиндонда 84 нафар маҳбус сақланган. Амир Олимхон шу йили тахтга чиқиши муносабати билан уларнинг 70 нафарини авф қилган ва буғдой солиғини бир тангага тушириш тўғрисида фармойиш берган.

Музейдаги экспонатлар орасида франциялик фотосуратчи Пол Надар томонидан 1890 йилда суратга олинган зиндон тасвири бор. 1896 йилда эса даниялик сайёҳ Орде зиндонда хизмат бурчини ўтаётган миршабларни суратга олган.

Зиндонни 32 нафар миршаб ҳар уч суткада алмашиб қўриқлаган. Оёқ остига қайроқ тош терилган. Миршаблар пойабзали остига эса нағал урилган. Улар юрганида нағал тошга тегиб, ваҳимали товуш чиқарган. Бу маҳбусларга "Қочишни хаёлингга ҳам келтирма, биз шу ердამиз", деган маънони берган.

Зиндонда қарздорларнинг икки тоифаси учун алоҳида хоналар бўлган. Бирида одамлардан қарз олиб, вақтида

БУХОРО АМИРИНИНГ ЗИНДОНИ ОДАМЛАРНИ НИМАСИ БИЛАН ВАҲИМАГА СОЛГАН?

қайтармаган фирибгару каззоблар, иккинчисида эса солиқ бўйича қарздорлар сақланган.

Зиндоннинг халқ тилида "Канахона" деб аталган жойи одамлар юрагига чинакамига ваҳима солган. Чуқурлиги 6,5 метр, диаметри 5,5 метр бўлган, дафъатан қудуқни эслатувчи бу жойда ширк амаллар, яъни ёмон ишлар қилган, одамларга суиқасд уюштирган кимсалар ҳамда сиёсий маҳбуслар сақланган.

"Канахона" деворининг қалинлиги беш метрни ташкил этади. Бу ерга ташланган маҳбусларнинг омон қолишлари даргумон эди. Гарчи тепада қуёш нури тушиши учун туйнук қўйилган бўлса-

да, ичкаридаги захлик, намлик жиноятчини адоий тамом қилган. Зах жойда биламизки, кана, бурга каби одам қонига ташна ҳашаротлар кўп урчийди.

Шубҳасиз, зиндон ўзига хос меъморий ечимга эга иншоотдир. Ўтмиш нафаси уфуриб турган бу гўшага келган киши умрининг жуда қисқалигини, инсон шу фурсат ичида фақат эзгу амаллар қилиши зарурлигини англаб етади. Хурлик, озодликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканини ҳис этади. Зеро зиндон порахўру фирибгар, ўғри муттаҳамларнинг борар манзили қаер эканидан барчани огоҳ этиб турибди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
Бухоро.

Алишер НАВОИЙ

КЕЧА КЕЛГУМДИР ДЕБОН...

Сиз севган шеър

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйку келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму, чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимға-ю, ул шўхи бадхў келмади.

Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча сув келгай, деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Андижон вилоят қўғирчоқ театрида Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмаси ташаббуси билан "Дилдан кетмас наволар" деб номланган концерт дастури намойиш этилди.

"Дилдан кетмас наволар"

Маданий кечада иқтидорли хонандалар Санжарбек Омонов ҳамда Адҳамжон Абдулҳаевлар томонидан мумтоз куй-қўшиқлар жонли тарзда ижро этилди. Дилтортар миллий қўшиқларимиз жозибали рақслар билан уйғунлашиб, томошабинларга хуш кайфият ҳадя этди.

Ушбу тадбирга "Hamkorbank"нинг ходимлари, уларнинг ота-оналари ҳамда банк фахрийлари ташриф буюрди. Бундан кўзланган мақсад жонли тароналар завқини туйган ҳолда мароқли ҳордиқ чиқариш бўлди.

Р. МУХТОРОВ.

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Бугун юртимиздаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари кўриб ҳайратланасан киши. Қай гўшага, қай кўчага бош суқманг - кўркам ва маҳобатли иморатларга, уй-жойларга кўзингиз тушади. Замоनावий ва ажиб меъморий ечимлар уйқаш бинолар юртимиз, маҳалламиз, кўчамизнинг кўркига кўрк қўшиши шубҳасиз.



КЎЧАНИНГ ҲАҚИ

Айрим хонадон эгаларининг кўча дарвозалари олдида "зонтик" аталмиш устунли айвон қилишлари тобора урф бўляпти. Ҳатто бу "шапка"лар кўча четига-ча етиб бормоқда.

"Бунинг нимаси ёмон, ахир замонавийлик, ёғин-сочину иссиқдан ҳимоя-ку?" дейишингиз бор гап. Бироқ "лекин"и шундаки, "зонтик"ларнинг (аниқроғи, уларнинг устунларининг) меъёрдан ортиқ кўчага чиқиши, йўлни торайишига, ҳаракатланишнинг қийинлашишига олиб келяпти. Айниқса, ҳар қаричи ҳисобда бўлган ички кўчалардаги ҳолат жуда аянчли.

Бундан бир неча йил аввал қўшниларимиздан бири чиройли иморат солди-ю, аммо кўчага, имконияти бўла туриб, биз тилга олаётган устунли "зонтик"ни қилдирмади. Шундоққина томининг ўзидан мўъжазгина шапкача чиқартирди, холос. Бунинг боисини сўрашганда у раҳматли дадасининг эслатмасини бажарганлигини билдирди. Бу ерда энди қурилиш бошлаган кезде кўпни кўрган отаси унга шундай деган экан: "Болам, уй қурсанг

қўшнилardan баланд қурма, кўчага зинҳор-базинҳор устун қўйиб, айвон-шапка чиқарма. Чунки кўча Аллоҳнинг мулки, эл-юртнинг ҳаққи. Бундай қилсанг, Яратганнинг мулкига, одамларнинг ҳаққига тажовуз қилган бўласан".

Ўша гапни эшитгандан бери ўйланаман: ҳайбатли "шапка" тугул, кўчага ичкаридан оқаваларни чиқариб қўйган, ҳаттоки кўй-қўзилар учун қўра, ҳожатхона қуриб олганларнинг охири не бўларкин?

Маҳалладошимиз, (марҳум) Муқимжон отанинг ажиб феъли бор эди. Кўчадан киришдан аввал оёқ кийимини ерга қайта-қайта қоқиб, сўнг хонадонига қадам босарди. Боисини кейин англадик: отахон кўча тупроғини пойабзалига илаштириб, уйига олиб киришдан, яъни элулуснинг мулкини хонадониникига араллашиб кетишидан қўрқар экан.

Замондошим, шу ўринда кўнгилда бир савол туғилди: сиз ҳам кўчадан киришда оёқ кийимингизни қоқиб кирасизми?

Ҳ. ТОҲИРОВ.

Айдар — Арнасой кўллари тизими — Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳудудидаги оқмас кўллар бўлиб, Қизилқум чўли шарқи Қозоғистон Республикасининг Чордара сув омборидан жануби-ғарбда жойлашган Айдаркўл, Тузкон ва Шарқий Арнасой кўллари ўз ичига олади.

АЙДАРКЎЛ



Айдаркўлнинг умумий майдони 4 минг квадрат километрга тенг. Маҳаллий аҳолининг сўзларига кўра Айдар-Арнасой кўлида 92 та оролчалар мавжуд. У ерда сайр қилган кишилар табиатнинг мўъжизакор жонзотлари бўлган ёввойи қуён, тулки, бўри, словсин, андатра, натра, чўчқа, тўнғиз ва судралиб юрувчи каби қатор ҳайвонлар борлигини қайд этадилар.

Жозибадорлиги ўзига хос қушларнинг турлари мавжудлигидадир. Бу ерда 18 туркум 57 оилага мансуб 314 турдаги қуш яшай-



ди. 19 турдаги қуш халқаро "Қизил китоб"га, 37 турдаги қуш эса Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган.

Балиқларнинг 22 тури мавжуд бўлиб шундан 13 тури маҳаллий ҳисобланади. "Лаққа", "Зоғора балиқ", "Оқча", "Оқ қайроқ" ва бошқалар қимматли овчилик аҳамиятига эга. Балиқларнинг бир тури Туркистон мўйловли балиғи Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган.

Мовий кўл бўйи маҳаллий ва туристлар учун дам олиш масканларидан бирига айланган. Шу сабаб ҳам тадбиркорлар томонидан меҳмонхона ва дам олиш масканларини ташкил қилиш ва уни ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Рустамжон НУРМАТОВ,
Жиззах.

Хориждаги ватандошлар

Суҳбатдошимиз бир неча йилдан буён Дания Қироллигида фаолият олиб бораётган Дониёр-бек Ҳамидов. Фарғона шаҳрида туғилган. Бакалавр босқичини Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ўқиган. Ҳозирда Даниядаги "NewWorkers Consulting" фирмасида бош менежер.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯХШИ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН

Очиғи, Данияга келишимнинг бир қанча сабаблари бор. Хусусан, Қироллик "Европа сут фермаси" мақомига эга давлат. Қишлоқ хўжалиги тизими яхши тараққий этган. Шу боисдан бўлса керак, бутун Европа ва Осиё мамлакатлари фуқароларини қишлоқ хўжалиги соҳасига қабул қилишлари осон. Агар талаба бўлсангиз ва Данияда малака оширмоқчи бўлсангиз, 90 фоиз ҳолатда виза олишингиз кафолатланади. Бир йиллик малака оширишдан сўнг ўзингизни яхши кўрсатсангиз, иш жойингиз ёки бошқа фермерлар томонидан сизга ишчи шартнома (ишчи виза) тақдим этилади ва ойлик даромадингиз мажбурий равишда 2,5 барабар ошади.

Бу давлат охириги йилларда нуфузли нашрлар томонидан кетма-кет "Дунёнинг энг бахтли мамлакати" дея тан олинмоқда. Чунки барча қонунлар ҳамма учун бирдай ишлайди ва бунга халқ ҳам ишонади. Бу ҳолатга келиб, яшаб кўргач ўзим ҳам амин бўлдим. Назорат камералари санокли жойларда мавжуд. Данияликлар чиндан бир-бирига ишонади ва ўзаро ҳурмат қиладиган халқ.

ИҚЛИМИМИЗ ИДЕАЛ ДАРАЖАДА

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси учун иқлимимиз идеал даражада, деб ҳисоблайман. Агар данияликлар каби режа асосида тизимли деҳқончилик ва чорвачиликка ўтсак, бемалол "Осиё сут фермаси"га айлансак бўлади. Бунинг учун таълим берувчи мутахассислар танлашда йўналишни ўзгартириш керак.

Масалан, қишлоқ хўжалиги таълим муасса-

БАНК КАРТАЛАРИ 3 БОСҚИЧЛИ ҲИМОЯ ТИЗИМИДА

саларида педагоглардан кўра, яъни асосий иши ўқитувчилик эмас, балки ферма, чорва, иссиқхона, ветеринария соҳаси бўлган инсонлар келиб дарс бериши лозим. Чунки қишлоқ хўжалиги эшитиб эмас, кўриб, бажариб ўрганиладиган соҳа.



ПУЛ ТОПИШНИ БИРИНЧИ ЎРИНГА ҚЎЙМАНГ

Данияда ростки Ўзбекистон ҳақида унчалик кўп билишмайди. Лекин сўнгги вақтлар бу ерда ўзбекистонликлар сони ортиб борапти. Ўйлашимча, улар орқали данияликлар мамлакатимиз ҳақида яхши таассуротга эга бўлишмоқда. Боиси бу ердаги мен билган ва таниган ватандошларимиз жуда меҳнаткаш. Қайси соҳада ишлаётган бўлишмасин, ўз вазифаларини сидқилдан бажаришади.

Европада, айниқса, Скандинавия давлатларида яшаган муҳожирилар ўз юртига ижобий кўникмаларга эга бўлиб қайтишади. Шахсан ўзимда иккита энг яхши кўникма ҳосил бўлди: кун тартибига амал қилиш ва ҳар бир ишни камида иккита режа асосида амалга ошириш.

Дунёқарашга кела-

диган бўлсак, ҳадеб ҳаммадан маслаҳат сўрайвермасдан мутахассис билан гаплашиб, маслаҳат олишлик муҳим эканлигини англадим. Кейин яна англаб етганларимдан бири бу — хорижда мусофир сифатида яшашни истадингизми, ҳеч қачон фақат пул топишни мақсад қилманг. Ўзга юртда маош олиш учун ой охирини кутиш билан умр, вақт ва тажриба деган бебаҳот ушунчаларни ўтказиб, зерикарли ҳаёт кечирасиз. Албатта, бирон қийин ақлий ва тажрибавий ишни биринчи ўринга қўйиб, пул масаласини қўшимчадек қараш лозим.

3 БОСҚИЧЛИ ҲИМОЯ ТИЗИМИДА

Бу мамлакатга инглиз тилини яхши ўрганиб келиш зарур. Чунки данияликлар учун инглиз тилида гапириш оддий ҳол. Билишимча, мамлакат аҳолисининг камида 80 фоизи учун инглиз тилида гапириш муаммо эмас. Шу сабаб тилни яхши билмасангиз, сиз ўта қобилиятсиз одам ҳисобланасиз. Иккинчи тавсиям — бу ерга солиқлар ҳақида маълумотларга эга бўлиб келиш лозим. Чунки Данияда солиқлар миқдори баланд. Аммо бунга мутаносиб равишда ҳукумат томонидан фуқароларга яратиб берилган шароитларни эътироф этиш керак.

Банклар ва банк карталари учун махсус дастурлар 3 босқичли ҳимоя тизимида фаолият

олиб боради. Билишимча, бу ҳозирги кунда Европада етакчи тизим ҳисобланади.

Кейин тиш ва кўзингизда муаммо бўлса, албатта, даволашиб келишни маслаҳат бераман. Боиси шу икки аъзо муолажаси пуллик, қолган хизматлар суғурта ва солиқлар ҳисобига бепул. Ҳатто баъзи данияликлар тишларида муаммо бўлса, кўпроқ Германияга бориб даволанади. Билишимча, Германияда стоматолог хизмати анча арзон.

УНДОШ ҲАРФЛАР КЕТМА-КЕТЛИГИ КЎП УЧРАЙДИ

Данияликларнинг тили бирмунча қийинроқ. Чунки сўзларида ундош ҳарфлар кетма-кетлиги кўп учрайди. Шу сабабдан, айниқса, туркийзабон халқлар учун ноқулайлик туғдириши мумкин. Лекин тилни билсангиз, сизга кўп эшиклар очилади. Масалан, малака оширишни ўтагач, ўртача 5 минг АҚШ долларлик маошга ишлай оласиз.

Бўш вақтимда кўпроқ ўзбекча китоблар ўқигим келади. Аммо китобларни мажбурий инглиз тилида ўқийман, чунки электрон китоб ўқишга соғлигимни қизғонаман. Кутубхоналар бепул, лекин китоблар инглиз ва дан тилида.

Бундан ташқари, Telegramда ўзимнинг кичик блог саҳифамни юритаман. Унда мустақил ўрганувчилар учун инглиз тилидан дарсларимни эълон қилиб тураман ва баъзан ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказиб туришга ҳам вақт топаман.

Келажакдаги режаларим Ўзбекистонга қайтиб, бу ердаги компания филиалини очиш. Шунингдек, инглиз тили соҳасида ўқитувчилик фаолиятимни давом эттирмоқчиман.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ
ёзиб олди.

Ёқутистоннинг Мирний шаҳрида дунёдаги энг йирик олмос конларидан бири — "Мир" деб номланган кембирлит қуури мавжуд. Вертолётлар коннинг устидан учиб ўтмайди, негаки 525 метр чуқурликдаги ва диаметри 1 км.дан ортиқ бўлган бу улкан ўра уни ўз домига тортиб кетиши мумкин.

МУЗ ИЧИДАГИ ХАЗИНА



"Биз тинчлик трубкасини ёқдик, тамаки" жуда зўр — бундай махфий радиogramмани Собик Совет Иттифоқи геологлари 1955 йилда Москвага юбориб, энг бой олмос кони топилганлигини маълум қилди. Қувурдаги "тамаки" ҳақиқатан жуда ҳам яхши бўлиб чиқди: ушбу конда қазиб олинган 80 фоиздан ортиқ олмосларнинг ҳар бири 5 карат (1 грамм) оғирликда эди.

Кон ихтиро қилингунча музлик ҳукмрон бўлган бу ҳудудга ҳеч ким оёқ босмаган. Чунки у ердаги ҳарорат -70 даражага етарди. Айни вақтида топилган ноёб қазилма Совет Иттифоқининг иқтисодий салоҳиятини икки барабар оширди. Хусусан Иттифоқ раҳбари Никита Хрушев "ватанимиз тез орада янги олмосни ўзлаштириб, халқаро валюта бозорида етакчи ўринни эгаллайди" деган фикрни билдирди.

1957 йилда "Мирний" деб номланган ишчи посёлкаси барпо этилди, 1959 йилда у шаҳар мақомини олди.

1960-йилларда кондан йилига 1 миллиард долларлик олмос қазиб олина бошлади. Карьерни ривожлантириш учун жуда катта куч сарфланди. Чунки метан, водород сульфид ва нефть билан тўйинган агрессив сувлар бир неча метр чуқурликдан 3500 кубометр тезликда чиқиб келарди. Агар бунга қарши чоралар қўлланмаганда, кон сув остида қоларди.

Йиллар ўтиб "Мирний" Россия олмос конининг марказига айланди. Ҳозирда кон ҳудудида "АЛРОСА" компаниясининг бош қароргоҳи жойлашган бўлиб, у Якутияда қазиб олинган олмосларнинг 75 фоизига эгалик қилади. Россиядаги энг катта олмос шу кондан топилган бўлиб, унинг оғирлиги 342,5 карат (68,5) ни ташкил этди.

"Мирний" дунёнинг энг машҳур мўъжизалари қаторига киритилган. У ҳақида бир қанча асфаллар ҳам бор. Ўранинг тубидаги рудалар одамни тубсизликка чорлаётгандек ўзига гипноз қилади деган фикрлар мавжуд. Чуқурликка тушаётганда одамнинг боши айланади, тепага кўтарилаётганда эса эйфорияга берилади. Парашют ёрдамида карьернинг тубига сакрашни орзу қиладиганлар ҳам йўқ эмас.

ОСИЁ тайёрлади.

САВОЛ: Вояга етмаган фарзандини пул топишга мажбурлаётган айрим ота-оналар ҳақида эшитамиз. Бундай ота-оналар учун қонунчилигимизда қандай жавобгарлик белгиланган?

Ислом КУШЕРБОВЕВ,
Олмалиқ.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг жавобгарлик масалалари белгиланган. Унга кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараварига-

ВОЯГА ЕТМАГАН ФАРЗАНДНИ МЕҲНАТГА МАЖБУРЛАГАНДА



ча миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари-

дан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ҳуқуқшунос М. ЙЎЛДОШЕВ
жавоб берди.

“Меҳр манзиллари” туркумидан

Турсуной опа ташиқлот раҳбари бўлиб ишлагани боис, эрини бироз менсимайди. Аҳён-аҳёнда одамлар орасида бу қусурини билдириб қўяди. Анчайин кибр ва ҳойи ҳавасга берилган. Ўзини ҳаммадан устунлигини ҳар онда кўрсатишга уринади. Тўй-тўркини, йўриқ-йўсинларининг тўкин-сочинлиги эл аро дoston бўлишини хоҳлайди. Қўшнис Зокиржоннинг иши юришиб, топиш-тутуши яхшиланди. Эски уйларни бузиб, янгисини қўтарди. Аммо қўшни Турсуной опанинг томидан бироз баландроқ бўлиб қолгани унга тинчлик бермай қўйди. Ҳаммаси шундан бошланди.

ОЛОВ ИСКАНЖАСИДА ҚОЛГАН ҲАСАД

Эрта баҳордан уйининг томини очиб, Зокиржонникидан баландроқ қўтарди. “Уйни ким баландроқ қўради”, деган рақобат бошланди, гўё маҳаллада. Агар биринчи қўшнининг томи иккинчи қўшникидан озроқ баланд бўлса, иккинчиси ёз келиши билан томини очиб, бир қарич баланд қилиб қайта қўрарди. Шу зайлда йиллар ўтди. Кунларнинг бирида ўша “раҳбар аёл”нинг “томи баланд уйи”га ўт кетди. Олов бир қанча уйни ҳам олиб кетди, қулини кўкка совурди.

Мана шу воқеа туфайли қўшнилари қалбига меҳр кирди. “Кунда эмас кунда ярайди”, деганларича бор экан. Маҳалла аҳли бирлашиб талофат кўрганларга ёрдам бера бошлашди. Ҳашар авж олди — бугун бунисиникида фундамент қуйилса, эртага нариги ҳовлида, кейинги кун наватдаги хонадонда ҳашар. Уйларни тиклар экан, бир-бирига ёрдам беришиб, аввалгидай яна иноқ яшай бошлашди. Ҳасадчи кимсаларнинг қалбларидаги ёмонликлар учқунлар бағрига ғарқ бўлди.

НИЛУФАР.

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Француз қироли Людовик XIV шеър машқ қилиб турар ва уларга баҳо беришни фақат Буалога ишонаркан. Қиролнинг наватдаги бемаза шеърларини ўқиган Буало қалтис фикрини шундай ифодалаган экан: “Ҳазрат олийлари! Сизнинг қўлингиздан келмайдиган иш йўқ! Мана, бемаза шеър қандай бўлишини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлган экансиз, бу ишни қойилмақом қилиб уддалабсиз!”

Оксфорд университетининг ўқитувчиси Керол иш орасида “Алиса ажойиботлар мамлакатада” номли эртақ ёзади. Англия қироличаси бир кунни ана

шу эртақни ўқиб, ниҳоятда таъсирланади ва Керолнинг бошқа асарларини ҳам зудлик билан сотиб олишни буюради. Лекин Керолнинг бошқа барча китоблари олий математика бўйича эканлигини кўрганда қиролича баттар ҳайратга тушади.

КУНЛАРДАН БИР КУН...



Велосипед ҳайдовчиси йўлда Бернард Шоу билан тўқнашиб кетди. Иккалалари ҳам кўрқиб кетишди. Ҳайдовчи астойдил узр сўраган эди, Шоу эътироз билдириб деди:

— Омадингиз келмади-да, жаноб. Яна жиндай куч сарфлаганингизда, менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.

Бир одам Пушкинни мот қилиш ниятида ундан сўради:

— Мен билан қуёш ўртасида қандай ўхшашлик бор?

Шоир ўйлаб-нетиб ўтирмай жавоб қилди:

— Сизнинг башарангизга ҳам, қуёшга ҳам пешонани тириштирмасдан қараб бўлмайди.

Бир кун юнон донишманди Диогендан сўрашибди: Кимнинг кўзи ўткир?

— Ҳасадгўйнинг кўзи, — жавоб берибди донишманд, — Чунки улар сенда йўқ нарсани ҳам кўришади.

Кечки овқат пайтида Комилжон турмуш ўртоғи Сорахонга хижолатомуз боқиб, секин гап бошлади.

— Ишхонада биз — Барно, Нодира, Илтифот, Жўра, Фозил ва мен юряпмиз. Мен анча вақт улар таклифига розилик бермай юрдим — оила, бола-чақа, таниш-билишлар дегандек, улар олдида қандай бўларкин, деб. Йўқ, қўйишмади.

— Дадаси, яхши ўзингиз гап очиб қолдингиз, мен ҳам сизга айрим миш-мишларни етказмоқчийдим. Кўпчиликдан “эрингиз юряпти, бирон бир чора кўрмасангиз, ундан айрилиб қоласиз”, деган гапларни эшитдим. “Бир кун малла соч, эртасига сочи ўғил болаларникига хос сарвқомат билан шаҳар кўчаларида сайр қилишганини кўрдик”, деб айтишди. Ўртаимизда фарзандлар бор, дадам, ойим, овсинларга бу гап етиб борса, нима деган одам бўламиз?

— Уларинг ўзлари юришмайди-да, шунинг учун бу ишнинг мазасини ўз таналарида ҳис қилишмайди, — суҳбатни давом эттирди эр. — Мана, мен бир ҳафтада ўзимни йигитлардек сезаябман. Ҳозир мени юришга таклиф этганлардан беҳад миннат-

дорман.

— Ўзи ҳамма эркакларнинг лойи бир жойдан олингани рост экан. Сизларга бегоналар ўтдек кўринади. Беш нафар фарзанд топгунча

ЮРГАН ЭРКАКЛАР

“сен менинг бор-йўғимсан!”, “бир умр сенга вафодорман, ойиси!” деб қайта-қайта такрорлаган Сиздек покиза инсон юришни бошлаган бўлса, бошқалар тўғрисида нима дейи?

— Энди, ойиси, ҳамма юрябди-да! Бу раҳбарият топириғи. Юрмаганларга чора кўрилар экан. Ҳар ким танлагани билан юрсин дейилди, нима қилай, танбеҳ олгим йўқ,

шунинг учун мен Нодирада тўхталдим. Кўчада юрсанг ҳам номус қилмайсан, кўҳлиқкина аёл. Янги ҳафтадан бошлиқ ҳам юрармиш, унинг йўлдоши ким бўлади, ҳали номаълум, балки, ўринбосари Яйра Ярашевна ёки котибаси билан юрар.

Эридан бу гапни эшитиб, Сорахоннинг юзи совуқда қолгандек кўк-қорамтир тусга кирди.

— Бу қандай ишхона ўзи? Раҳбарлар ходимларини бундай номақбул ишларга чорласа? Яна ўзлари бош бўлишса!

Яна қанча давом этади бу шармандалиқ?

— Ҳали-бери бу ишни тўхтатиш-маса керак. Чунки бизда қайсидир бир

депутат таъкидлагандек, кўп гўшт еб қўяётганимиз сабабли семизлар сони ҳаддан ташқари ошиб кетаётган эмиш. Энди уяли телефонимизга “Соғлом турмуш тарзи” платформасини ҳам юклаб олиш



ҲАЖВИЯ

шарт экан. Чунки раҳбар бир кунда неча қадам юрганимиз ҳақидаги ҳисоботни телефонларимиз орқали юритар экан. “Оила аъзоларингиз билан ҳам юринглар, шу масалада фаоллик кўрсатганлар учун мукофотлар ҳам таъсис этилди”, — деди. Энди сен ҳам мен билан юргин!

— Мен Сизнинг никоҳдаги хотинингиз бўлсам, нега энди юришим керак?

Комилжон беихтиёр кулиб юборди.

— Эҳ, ойиси, ойиси! Шунчалик ҳам содда бўласанми? Яратганнинг ўзи биз эркакларнинг эмас, балки, сиз аёлларнинг лойини бир жойдан олган дегим келади. “Юрмоқ” сўзининг ўн бешдан зиёд маъноси борлигини бир четга суриб қўйиб, сиз аёллар “бегоналар билан яқин муносабатда бўлмоқ” тушунчасини миянларга қуйиб олгансизлар ва бу нарсани сизларга ҳеч тинчлик бермайди. Биз Барно, Нодира ва Илтифот билан бирга ишлаймиз, бирга пиёда юрамиз. Мен мана шуни назарда тутаяпман!

Расулжон МУХТОРОВ.

Авлодлар анъанаси



Муқимжон ҚОДИРОВ
сурат-лавҳаси.

ЖАВОБИ ЙЎҚ САВОЛ

Оналар ўз ҳаётини гаровга қўйиш эвазига фарзандига ҳаёт бахш этадилар.

Оталар эса ўз умрини тикиб, уни ҳаётга тайёрлайдилар.

— Биз-чи? Улар қариганида, биз нима бера олдик?

Шу саволга жавоб топиб, кўнгли тўлган инсонни ҳали учратмадим...

БУ, ФАЛСАФА ЭМАС

Одамлар бир-бирига яқин бўлиш учун узоқ муддат керак. Уларнинг садоқати йиллар мобайнида қанча синовлардан ўтиб тобланади.

Яқин кишиларнинг бегоналарга айланишлари учун эса лаҳзалар кифоя. Биргина сўз ёки қилмиш уларни бир умрга ажратиб ташлаши мумкин.

Бу, фалсафа эмас, балки, ҳаёт ҳақиқатидир, болам!

— У киши устозим бўлади!.. Шогирд устоздан ўтмаса бўлмайди-да...

Энди ҳамма кулиб юборди.

Улар бир нарсани тушунишди, шекилли.

МЕН БИЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

ИШОНМАСАНГ, СИНАБ КЎР...

Омад кулиб боққанда, мол-давлат, бойлик ичида эканингда ёнингда юрганлар оғир кунларда сени ташлаб кетишлари аниқ. Қийин дамларда эса фақат энг содиқ дўстларгина ёнингда қоладилар. Чунки улар сенинг бойлигинга эмас, ўзингга дўстдирлар.

Ишонмайсанми, синаб кўр, ўғлим!

ҲАММА КУЛИБ ЮБОРДИ...

Кеча, қайсидир издиҳомда бир ҳожи акамиз мени роса... чайнабди. Бунни айтиб келишганда, бирор сўз айтмай, кулиб қўя қолдим. Сабабини сўрашганда эса, дедим:

— У киши устозим бўлади!.. Шогирд устоздан ўтмаса бўлмайди-да...

Энди ҳамма кулиб юборди.

Улар бир нарсани тушунишди, шекилли.

БОБОМНИНГ БАЙТИ

— Эгилганга эгилгил, бошинг ерга теккунча, Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча...

Бобом доим айтиб юрадиган шу байт негадир менинг шиорларимдан бирига айланиб қолган. Унга амал қилиб, кам бўлмадим. Энди бунни фарзандларимнинг қулоғига қуйяпман...

Ишонаманки, улар ҳам амал қилишса, кам бўлишмайди!

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

✦ Шу куннинг мавзуси

Ижтимоий тармоқдаги саҳифангизни кузатар экансиз, сиз билан виртуал мулоқотдаги айрим инсонлардан келаётган табрикномаларнинг ҳаддан зиёд-лигини кўрасиз. "Биринчи қор", "биринчи ёмғир", "биринчи туман", "биринчи шамол" хуллас, уларга қўйиб берсангиз йилнинг 365 кунини табриклаш учун сабаб топадилар. "Душанба тонги муборак" қабилида ҳафтанинг ҳар бир кунига табрик бор. Жума кунини бу янада авжига чиқади.

Албатта, ўзаро ширин муомалада бўлиш яхши. Аммо бу тарзда эмас. Жим-жимадор табрикномаларда бир оғиз самимий дил сўзи мавжуд эмас, боиси улар тайёр табрикномани қўлмақўл қилиш билан бандлар. Назаримда, бу меҳр-оқибат, бир-бирдан хабар олиш эмас, балки, бошқа бировнинг вақтига, диққатига нисбатан ҳурматсизликдир. Шу йўл орқали қариндошлари ёинки дўстлари билан доимий алоқа ниқобини кийиш эса ўзини ва ўзгаларни алдашдан бошқа нарсаси эмас.

Нафақат тугуруқсиз табриклар, балки, бўлар-бўлмас видео, фото, постларни гуруҳлар ва фойдаланувчиларга тарқатиш аслида ўша одамнинг руҳий ҳолатидан хабар беради. Бу ишга ружу қўйганларнинг ички оламида кемтиклар, шахсий ҳаётида ҳал қилинмаган муаммолар бор, дея хулосаланиш мумкин. Бинобарин, улар қалбидаги бўшлиқни шу орқали тўлдиришга ҳаракат қиладилар. Жамиятда ўрнини тополмаган инсон шу жўн юмуш орқали инсонлар диққатини жалб этиш, ички "мен"лари эҳтиёжини қондиришга интилади.

Арзимас кўрингани билан кайфиятимизга, иш

Канадалик олимлар момақаймоқ чойи саратон тўқималарини 48 соат ичида йўқ қилиши ва соғлом тўқималарни саратондан ҳимоя қилишини аниқлашди. Тадқиқотчилар момақаймоқ илдизининг фойдаси кимётерапиядан самаралироқ эканлигини исботладилар. Ҳатто мижозлар уни тўрт ой узлуксиз ичиб тузалиб кетганлигини таъкидлашди.



САРАТОНДАН ҲИМОЯ

Момоқаймоқ (одуванчик) илдизи баҳорда ҳали гуллмасдан туриб, ковлаб олинади. Тозалаб ювиб, сомонча шаклда тўғраб, худди чойдек дамланади. Бир литр сувга ўнча илдиз етади. Ўсимлик томирлари серқатнов йўл четларидан эмас, об-ҳавоси тоза ва сув йўллари олдидан терилса, мақсадга мувофиқ. Экологик тоза илдизда шифобахшлик хусусияти кўпроқ сақланади.

Шунингдек, ҳаддан ортиқ соя-салқин жойлардан ҳам териш мақсадга мувофиқ эмас. Уни қишда ҳам ишлатаман десангиз, гиёҳ томирлари яхшилаб ювиб тозалангандан сўнг, соя жойда, офтоб тегмаган ҳолатда қуритилади. Агар томир йирик бўлса, узунасига сомонча шаклида кесиб, қуритилади. Яхши қуритилган томирларни латта халтачага солиб, соя ва куруқ жойда сақлаб қўйсангиз, шифобахшлик хусусиятини йўқотмайди.

Шоира БЕКЧАНОВА,
олий тоифали шифокор.

тасодифий аъзолик — ҳуқуқингизнинг бузилиши бўлиб қолаверади. Контактингиздаги яқинингиз аввал сизнинг розилигингизни сўраб сафга қўшса, тўғри бўлади. Афсуски, бу маданият жуда озчилиқ роя қилади. Улар учун махсус функция — гуруҳ ҳаволадини жўнатиш бор. Шахсий саҳифангизга ҳаволали ман-



ДАНГАСА ОҚИБАТ

**ёки ижтимоий тармоқдаги
кераксиз ёзишмалар**

унумдорлигимизга таъсир қилаётган бу ҳолатлар ёқимсиз, албатта. Ҳозир интернетда бизнес қилувчи тадбиркорлар ўзингиз ихтиёр этмаган ва лозим топмаган ҳолда гуруҳларга аъзо қилиб қўйяпти, яъни "Гуруҳга одам қўш" қабилида. Бунинг эвазига совға ваъда қиладиганлар ҳам анча оммалашди. Ҳойибдан совғага учганлар контактида бор одамни гуруҳга қўшишга тушиб кетади. Бу ўз манфаати йўлида бошқалардан фойдаланиш ва молиявий дахл қилиш эмасми.

Тўғри, у фойдали гуруҳ бўлиши ва сизга ёқиши ҳам мумкин. Лекин шундай бўлган тақдирда ҳам

зил келади, кириб кўрасиз, ёқса — аъзо бўласиз, ёқмаса — йўқ. Бироқ жуда кўпчилик биринчи усулдан фойдаланади. Мақсад — админ ваъда қилган совғани олиш.

Агар канал ёки гуруҳ ҳақиқатдан ҳам керакли, маърифат тарқатувчи бўлса, реклама ва зўраки аъзоларга муҳтожлик сезмайди. У одамларни табиий равишда жалб қилади, интернет фойдаланувчилари ўз хоҳишлари билан сафга қўшилади. Зеро ижтимоий тармоқдаги "смайлик" ва "стикер"лар оқибатни ифодаламайди, уларни самимийлик билан алмаштиринг.

Дурдона АЛИМОВА,
Тошкент.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ИҲЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-249 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда
келишилган
нархда.